

②  
**ҚУРИЛИШ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**  
**№ 18**

14.06.2022 йил

Пастдарғом туман

Бир томондан Пастдарғом туман Ирригация булим давлат муассасаси номидан унинг Низоми асосида иш юритувчи директори М.Турниязов (қуйида “Буюртмачи” деб юритилади) Иккинчи томондан ,Зарафшон водий Махсус Курилиш ХК номидан унинг Низоми асосида иш юритувчи директори З.Тураев (қуйида “Пудратчи” деб юритилади) лар ушбуни қуйидаги мазмунда тузамиз:

### **I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ , ҚИЙМАТИ, БАЖАРИШ МУДДАТИ**

1.1. Шартнома Предмети: **Пастдарғом туман Бешбола махалласи Бешбола кишлоғида ички хшжалик сув насоси (Агрегати ) куриш**

1.2. Объект қиймати: “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг умумий қиймати барча солиқлар, шу жумладан қўшимча қиймат (ҚҚС) солиғини ҳисобга олган ҳолда – **984874843 (тўқкюз миллион саксон турт миллион саккиз юзи етмуш тўттинг саккиз юзи кирк уч минг сўм** белгиланган. Шундан 5% 1-йиллик кафолат сифатида қолинади.

Асосий қиймат суммаси:

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 333, 349-моддаларида кўзда тутилган форс – можор ҳолатлари тартибида;

- иш ҳажми “буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда қўшимча келишув баённомаси орқали ўзгартирилиши мумкин.

1.3 Ушбу шартноманинг бажарилиш муддати шартнома рўйхатдан ўтган кундан **60 (Олтмиш)** календарь кун белгиланган бўлиб, шартноманинг ажралмас қисми бўлган “**ишларни бажариш жадвали**” тартибида тугатилиб, давлат қабул хайати орқали ушбу шартноманинг 6-бўлим шартлари тартибида қабул қилиниб, фойдаланувчига топширилади.

### **II. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

2.1. Шартнома имзоланиб, рўйхатдан ўтган кундан бошлаб уч кун ичида курилиш майдонини иш бошлаш мумкин бўлган ҳолга келтириб, топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали расмий топшириш ;

2.2 Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари рўйхатини расмий тақдим этиш.

2.3. Шартнома нарсасини сифат ва миқдор бўйича жадвал асосида тўғри

бажарилиши устидан ўзи бириктирган техник назоратчи оркали доимий назорат ўрнатиш ва назорат натижаларини иш бажариш дафтарида мунтазам акс эттириб бориш.

2.4. Пудратчи томонидан ушбу шартноманинг бажарилишига боғлиқ ёзма муурожаатларини 15 кун муддат ичида кўриб чиқиб, асосли жавоб бериб бориш;

2.5. Шартномани бажариш билан боғлиқ тузилган молиявий жадвалга асосан, амалда бажариб бўлинган ишларни жорий қабул далолатномалари ва ҳисоб-фактураларига кўра, пудратчининг ҳисоб рақамига зарурий тўловларни амалга ошириб бориш ;

### III. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб 3 кун ичида буюртмачи топширишга тайёрлаган қурилиш майдонини далолатнома оркали расмий қабул қилиб олиш;

3.2. Буюртмачи расмий равишда такдим этган, ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган “ижро ҳужжатлар”ни рўйхат билан қабул қилиб олиш;

3.3. Қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш;

3.4. Қурилиш майдони ва унда мавжуд бўлган барча моддий бойликлар учун тўлиқ моддий жавобгар сифатида уларни кўриқланишини ташкил қилиб, моддий бойликлар сақланишини ўз ҳисобидан таъминлаш;

3.5. Буюртмачига, **ҳақиқатда бажарилган ишлар** бўйича тузилган далолатнома ва ҳисоб-фактуралари асосида, ҳар ойнинг 30-санасигача ҳисобот топширади. Турли харажатлар ҳисоботи бажарилган иш тушунчасига киритилмайди.

3.6. Ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни “Ишларни бажариш жадвали” да кўзда тутилган ҳажм ва муддатларда камида **60** фоиз қисмини ўз кучлари, қолган қисмини жалб қилинган субпудратчилар билан биргаликда сифатли бажариш. Бунда жалб қилинган субпудратчилар ва улар билан тузилган шартномалар тўғрисида буюртмачини иш бошлагунга қадар расмий хабардор қилиш;

3.7. Буюртмачи ёки унинг махсус бириктирилган техник назоратчисини доимий назорати учун шарт-шароитларни яратиш ва унинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслик;

3.8. Шартноманинг 1.3-бандида кўзда тутилган муддат ва тартибларда ишларни тўлиқ бажариб бўлиб, Шартноманинг 6-бўлим тартибида буюртмачига давлат қабул ҳайъати оркали топшириш ва қурилиш майдонидан ўзига ва субпудратчиларига тегишли мол-мулкларини 3 кун ичида олиб чиқиб кетиш.

### IV. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

4.1. “Буюртмачи” “Пудратчи” га шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган қийматнинг 30 фоизигача миқдори 295462452-Иккиюзи тухсон беш миллион тўтюзини олтмуш икки минг тўртюзини эллик икки сўм даги бўнак суммасини шартнома рўйхатдан ўтган кундан 5 иш куни ичида 15% қисмини, қолган 15 % қисмини кейинги ойда тўлаб беради. **Шу кундан бошлаб “иш бажариш жадвали “ кучга киради.**

4.2. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” га тўланадиган бўнак билан бирга ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўзда тутилган объект қийматининг қолган қисми

бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб , расмийлаштирилгандан кейин, жорий молиялаштириш “ ишларни бажариш” ва “молиялаштириш” жадвалларига асосан амалга ошириб борилади.

4.3. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоиз тўлови, объект қабул ҳайъати томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейинги 1 йиллик кафолатли муддат ўтгандан сўнг, молия йили тугамасдан амалга оширилади.

4.4. Субпудратчилар билан ҳисоб-китоблар Бош Пудратчи томонидан амалга оширилади. Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида бажарилади.

## V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

5.1. Қурилиш объектига шартноманинг 2.3-бандига мувофиқ тайинланган техник назоратчи Буюртмачи” нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва миқдори устидан техник назоратни амалга оширади. “Пудратчи” ушбу қурилишда фойдаланаётган материаллар ва асбоб-ускуналарни техник томондан шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини тизимли равишда, тўсик ва тазйиқларсиз текшириб боради.

5.2. “Пудратчи” шартноманинг 3.6-банди, талабини бажарган ҳолда техник назоратчи иш ва яшаш учун жой ажратади. Қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашишини таъминлайди.

5.3. “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 1 бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

5.4. “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

5.5. “Буюртмачи” шартноманинг 2.1-бандини бажарган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун “Пудратчи” га геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

5.6. “Пудратчи” геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Пудратчи” “Буюртмачи” билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

5.7. “Пудратчи” геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини ўзида сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича “Буюртмачи” га топширади.

5.8. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр

бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи” ни ёзма ёки онлайн равишда хабардор қилади.

5.9. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

5.10. “Пудратчи”, “Буюртмачи” вакилининг ишларни бажариш дафтарига киритган ёзма рухсатномасидан сўнггина, кейинги ишларни бажаришга киришади.

5.11. Агар беркитиладиган ишлар “Буюртмачи” нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у, бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

5.12. Агар “Буюртмачи”, “Пудратчи” ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, “Пудратчи” ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмаган ҳолда ушбу ишларни зарур сифатларда ва келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

5.13. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунгача “Пудратчи” ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

Агар “Буюртмачи” ишларнинг бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи” нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

“Пудратчи” дафтарда “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шу муддатда бажармаса, кейинги курилиш харакатлари “Буюртмачи” томонидан тўхтатилади.

## **VI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

6.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

6.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” нинг ёзма билдиришномаси ёки онлайн хабари “Буюртмачи” томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида реал муддатда объектдан фойдаланувчи субъект билан биргаликда, микдор ва сифат жиҳатидан текшириб, қабул қилиб олинади. Қабул қилиш кимнинг айби билан кечикса, ўша тамон жавобгар ҳисобланади.

6.3. “Пудратчи” қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин яъни хабар кунда “Буюртмачи” томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. “Пудратчи” “Буюртмачи” га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

6.4. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект ушбу объектдан доимий фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотининг мулкига айланади.

## **VII. КАФОЛАТЛАР**

### **7.1. “Пудратчи”:**

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-Сир сақлаш, лозим маълумотларни ошкор этмаслик;

-сифати лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ бўлишлигини;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг 1 йиллик кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди;

-“Буюртмачи” томонидан ажратиладиган маблағларнинг 3-иловага асосан мақсадли сарфланишини таъминлайди.

7.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати, нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи” нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.3 бандида назарда тутилган кафолат суммасини “Пудратчи” дан ушлаб қолиш, бу сумма етарли бўлмаса, қолганини “Пудратчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.3. “Пудратчи” нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитектқурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади ва бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **VIII. ШАРТНОМАНИ БИР ТОМОНЛАМА БЕКОР ҚИЛИШ**

### **8.1. “Буюртмачи”:**

- шартнома кучга киргандан ва объект жойи топширилгандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи” га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи” нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилган ёки “Пудратчи” томонидан ишларни

бажариш жадвалига риоя этилмаганда, яъни 2 марта 70%дан кам миқдорда бажарилганда.

-“Пудратчи” томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган сифат даражаси пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 8.2. “Пудратчи”:

-ишларнинг бажарилиши “Пудратчи” га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари тизимли бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.3. Ушбу шартномани бекор қилишга қарор қилган томон, мазкур бўлим қоида-сига мувофиқ иккинчи томонга ёзма ёки онлайн билдиришнома юборди. 15 кунда жавоб бўлмаса, шартнома бекор бўлган ҳисобланади.

8.4. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг қўшма далолатномасига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда “Буюртмачи” га топширилади., “Буюртмачи” сифатли бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи” га тўлайди..

8.5. Шартнома тарафларнинг айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

8.6. Бошқа ҳолларда шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### IX. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

9.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки иш бажариш жадвалини зарур даражада ёки 50% дан кам бажарган тақдирда, ўша қисим қийматининг 25% миқдориди жарима тўлайди. Агар 50%дан 100% гача бажарилмаса 0,4% пеня қўлланилади. Бу сумма бажарилмаган қийматнинг 50%дан ошмаслиги керак.

9.2. Ўз вақтида молиялаштирмаганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи” га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим сумманинг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси тўланмай қолган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим..

9.3. Буюртмачи, шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун, “Пудратчи”га етган зарарни коплайди.

9.4. “Пудратчи” амалда тугатилган объектни топширишни узрсиз кечиктирилганлиги учун, ҳар бир кун учун объект қийматининг 0,4% пеня ҳисобланади. Лекин 50%дан ошмаслиги керак.

9.5. “Буюртмачи” томонидан аниқланган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Пудратчи” “Буюртмачи” га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Агар умуман бажармаса қайта бажариш қийматидан

ундириб қолади.

Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда “Буюртмачи” объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек “Пудратчи” дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

9.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилганидан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

9.7. “Пудратчи” томонидан 1 ойдан ортиқ муддатда иш бошланмасдан шартнома бир тамонлама бекор қилинганда, тўланган бўнак пули мақсадсиз фойдаланган деб топилади. “Буюртмачи” томонидан объектда бажарилган ишларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар мақсадсиз сарфланган тақдирда, “Пудратчи” мақсадсиз сарфланган маблағни махсус молиялаштириш ҳисоб рақамига тиклайди ҳамда унинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

9.8. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ва жарималар тўлаши томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

9.9. Шартноманинг 5.13 банди охириги хат боши бажарилмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун 0.5 % пеня ҳисобланади. Пеня миқдори тўхтатиб қўйилган қисм қийматининг 50%дан ошмаслиги керак.

## **Х. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

10.1. Низоли ҳолатларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, суд тартибида амалдаги қонунчиликлар асосида ҳал этилади.

## **ХІ. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

11.1. Ушбу шартнома имзолангандан кундан олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2. “Пудратчи” қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи” нинг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Қурилиш сирларини ошкор этмаслигини таъминлайди.

11.3. Шартномага қўшилган барча иловалар, ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

11.4. Агар “Пудратчи” шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида қолдирилган ўзига тегишли мол-мулкни шартномада кўзда тутилган муддатда олиб чиқиб кетмаса, “Буюртмачи” охириги қолган тўловни ушбу мажбурият бажарилган кунгача кечиктиришга ҳақлидир.

11.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги

қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

11.6. Шартнома бир хил юридик кучдаги 3 нусхада тузилди. Имзоланиб, Самарқанд вилояти Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кириди ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилингунча амалда бўлади.

## ХII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### Бажарувчи

#### Зарафшон водий Махсус Курилиш ХК

Самарқанд шаҳар рудаки кўчаси 181-уй  
АТ халқ банк амлиёт бўлими  
Х/Р 20208000800206677001  
МФО 01005  
ИНН 302563532

Директор  З.Тураев

### Буюртмачи:

#### “Пастдарғом туман Ирригация бўлими ”

Пастдарғом туман Жума шаҳар ипак йўли кучаси

ш/х: 401722860182277042402170001

Марказий банк Тошкент шаҳар

МФО: 00014

ИНН: 207264208

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в 23 402 000 300 100 001 010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

ОКОНХ: 97160

Директор  М.А.Турниязов

М.У.  (имзо)





# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№

1. Loyihaning turi.Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.

## “QURILISH PUDRAT SHARTNOMASI”

Mazkur shartnoma loyihasiga ko'ra, bir tomondan Pastdarg'om tuman Irrigatsiya bo'lim davlat muassasasi nomidan uning Nizomi asosida ish yurituvchi direktori M.Turniyazov (“Buyurtmachi”) va Ikkinchi tomondan, “Zarafshon vodiy Maxsus Qurilish” XK nomidan uning Nizomi asosida ish yurituvchi direktori Z.Turaev (“Pudratchi”)lar mazkur shartnomani tuzmoqda. Samarqand viloyati G'aznachiligidan ro'yxatdan o'tgan kundan boshlab kuchga kiradi.

SHartnoma Predmeti: Pastdarg'om tuman "Beshbola" mahallasi "Beshbola" qishlog'ida ichki xo'jalik suv nasosi (Agregati ) qurish


Obyekt qiymati: “Pudratchi” tomonidan bajariladigan ishlarning umumiy qiymati barcha soliqlar, shu jumladan qo'shimcha qiymat (QQS) solig'ini hisobga olgan holda – 984 874 843 (to'qqiz yuz sakson turt milion sakkiz yuzi ytmush to'tr ming sakkiz yuzi qirq uch so'm belgilangan. Shundan 5% 1-yillik kafolat sifatida qolinadi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Shartnoma loyihasi Pastdarg'om tuman Irrigatsiya bo'limi tomonidan 13.06.2022 yilda ishlab chiqilgan va KD73502468 raqam bilan dasturga kiritilgan. Xató va kamchiliklari uchun 13-14.06.2022-yil qaytarilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, “Davlat xaridlari to'g'risida”gi va "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonunlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Pastdarg'om tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi boshlig'i:



E. Davronov



O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand shahar hokimligi

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

# GUVOHNOMA

Reestrdaqi tartib raqami - 9876

№ 06450

2010 yil 03 aprel

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs

**«ZARAFSHON VODIY MAXSUS QURILISH»**

**Xususiy korxonasiqa berilgan**

(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

Tashkiliy-huquqiy shakli

THSh

1010

Mulkchilik shakli

MSh

114

Pochta manzili

MHOBT

1718401

Yuridik shaxs kodi

KTUT

24322470

Tarmog kodi

XXTUT

61110

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami

STIR

302563532

Qo'shimcha ma'lumotlar

Inspeksiya boshlig'i



S.Shodiboev

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси  
Самарқанд вилояти Давлат солиқ бошқармаси  
Самарқанд шаҳар Давлат солиқ инспекцияси  
140100. Гагарин 85А. тел. 2340637

---

459552-сонли

## МАЪЛУМОТНОМА

Юридик шахс "ZARAFSHON VODIY MAXSUS QURILISH" ХК Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясида 302 563 532 - сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда Самарқанд шаҳар ДСИ да бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида **08.06.2022** ҳолатига солиқ қарзи мавжуд эмас.

Ушбу маълумотнома Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти орқали шакллантирилган ва чоп этилган

### ДИҚҚАТ!

Маълумотномани ДСҚнинг «repository.soliq.uz» веб тизими орқали текшириб кўриш мумкин

*Мазкур маълумотнома корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 34-моддасида келтирилган солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажарилганлигини асосламайди.*



207787

08.06.2022

Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 98555 на приобретение Пастдаргом туман Бешбола махалласи Бешбола кишлоғида ички хужалик сув насоси (агрегати) стансияси қуриш**

Способ проведения электронный

Дата 10.06.2022

Время рассмотрения 10.06.2022 16:38

Конкурсная комиссия Пастдаргом туман ирригация бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XASANOV EROLI JUMAGELDIYEVICH	Комиссия азолари раиси	Пастдаргом туман Ирригация бўлими
<b>Секретарь комиссии</b>	TO'RAYEV AHROR AMIRQULOVICH	Kamissiya raisi o'rinbosari	Пастдаргом туман Ирригация бўлими
<b>Член комиссии</b>	TOSHTEMIROV ULUG'BEK SHOKIRJON O'G'LI	Kamissiya A'zosi	Пастдаргом туман Ирригация бўлими
<b>Член комиссии</b>	BEGMATOVA SHOIRA BEGMATOVNA	Kamissiya A'zosi	Пастдаргом туман Ирригация бўлими
<b>Член комиссии</b>	URALOV RAMZIDDIN NASRULLAYEVICH	Kamissiya A'zosi	Пастдаргом туман Ирригация бўлими
<b>Член комиссии</b>	USAROV SHEROZBEK BOBOSHEROVICH	Комиссия Азоси	Пастдаргом туман Ирригация бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 10.06.2022 года № лота 98555.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Работы по строительству и реконструкции других сооружений</b>
Подробное описание	Пастдаргом туман Бешбола махалласи Бешбола кишлоғида ички хужалик сув насоси (агрегати) стансияси қуриш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	995 403 696.00
Стартовая сумма	995 403 696.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этувчи ташкилотнинг ҳисобида бўлган мавжуд техникалар ва уларнинг хужжатлари.

Тип: Текстовое значение

Описание: тақдим этилаётган барча маълумотлар ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARAFSHON VODIY MAXSUSQURILISH	60	Мавжуд техникалар	58	Экспертная		
"NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ	60	Техникалар мавжуд	50	Экспертная		

Критерий №2 4. Танловда иштирок этувчи ташкилотнинг Гувоҳномаси Солиқдан Қарздорлиги йуқлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: тақдим этилаётган барча маълумотлар ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARAFSHON VODIY MAXSUSQURILISH	60	Солиқ дан қаризимиз йўқ	58	Экспертная		
"NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ	60	Солиқдан Қарздорлиги йуқлиги тўғрисида маълумотнома бор	50	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок этувчи ташкилот томонидан объектни жойида бориб ўрганганлиги тўғрисида қисқача маълумот. (фотолавлалар, жойлашув харитаси, қисқача тушунтириш маълумотлари бўлиши шарт)

Тип: Текстовое значение

Описание: тақдим этилаётган барча маълумотлар ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARAFSHON VODIY MAXSUSQURILISH	60	Жойида урганиб чиқилди	58	Экспертная		
"NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ	60	мавжуд	50	Экспертная		

Критерий №4 1. Ташкилотнинг сув хўжалиги объектларида ишлаган булишлари шарт ва 2019, 2020 ва 2021 йилларда бажарилган ишларнинг Давлат кабул ҳаёти далолатномаларини

Тип: Текстовое значение

Описание: тақдим этилаётган барча маълумотлар ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARAFSHON VODIY	60	Давлат кабул	58	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MAXSUSQURILISH		хайати далолатномалари илова килинмоқда				
"NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ	60	Давлат кабул ҳаёти далолатномалари бор	50	Экспертная		

Критерий №5 Танловда иштирок этувчи ташкилотнинг Курилиш ретингида яъни мелиорация ирригация да борлиги тўғрисида маълумотнома Ретирнг.уз дан олинши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: тақдим этилаётган барча маълумотлар ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZARAFSHON VODIY MAXSUSQURILISH	60	рейтингда ташкилотимиз мавжуд	58	Экспертная		
"NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ	60	рейтингда мавжуд	50	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ	995 403 696.00	990 139 269.00	09.06.2022 20:11:19	99.47
ZARAFSHON VODIY MAXSUSQURILISH	995 403 696.00	984 874 843.00	09.06.2022 11:51:12	100.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ	Прошел	99.46831	99.46831
ZARAFSHON VODIY MAXSUSQURILISH	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 98555 от 10.06.2022 года на приобретение Пастдаргом туман Бешбола маҳалласи Бешбола кишлоғида ички хужалик сув насоси (агрегати )стансияси куриш определила победителем:

ZARAFSHON VODIY MAXSUSQURILISH  
302563532

и резервный исполнитель: "NAQLMAXSUSQURUVCHI" МЧЖ (303135217)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	XASANOV EROLI JUMAGELDIYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	URALOV RAMZIDDIN NASRULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TOSHTEMIROV ULUG'BEK SHOKIRJON O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BEGMATOVA SHOIRA BEGMATOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	USAROV SHEROZBEK BOBOSHEROVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Самарқанд вилояти

703003, Samarqand shahri, Ko'ksaroy maydoni-1 "D" bino 2-qavat, Tel:(66) 233-03-89, 233-05-53, E-mail:  
sam.expert@bk.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: ILMURATOV SHOKIR MARDIYEVICH

Sana: 24-05-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 43561**

**Obyekt nomi** «Samarqand viloyati Pastdarg'om tumani "Beshbola" mahallasi hududida ichki xo'jalik suv nasos stansiyasi (agregati) qurilishi.»

**Buyurtmachi** - Zarafshon irrigatsiya tizimlari havza boshqarmasi huzuridagi

Pastdarg'om tuman Irrigatsiya bo'limi

**Bosh loyihachi** - "SUVLOYIXA" DUK Samarqand viloyat filiali

**Litsenziya** АЛ-001960

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet.

**Bosh pudratchi** - Tender asosida

**Qurilish turi** Qurilish.

**Murojaat raqami:** № 42187

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. Pastdarg'om tumani Xalq Deputatlari Kengashining 2022 yil 9-aprildagi VI-60-67-7-101-Q/22 sonli qarori.

1.2. Pastdarg'om tuman hokimi Sh.F.Xudoyberdiyev tomonidan tasdiqlangan loyiha topshirig'i.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Kitob 1. Umumiy tushuntirish xati.

2.2. Albom 1. Arxitektura va qurilish bo'limi.

2.3. Albom 2. Texnologik bo'lim.

2.4. Kitob-1. Joriy narxlarda resurslar smetasi. Ish hajmlari ro'yxati.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

**3.1. Qurilish maydonchasining xususiyatlari.**

Iqlim mintaqasi 2.

t-13 daraja.

Normativ shamol yuki - 0,38KPA.

Normativ qor yuki 0,5KPA ni tashkil qiladi.



Seysmiklik 7 ball.

Tuproqning cho`kuvchanligi 1-turi tuproqlari.

### **3.2. Tuzilmalarning xususiyatlari.**

Poydevorlar monolitik temir-betondir.

Ustunlar Metall Tr.D=219x5..

Balka Shveller №18

Metall fermalar bilan yopilgan.

Yog'och ustidan tom yopish profilli varaq.

Konstruktiv yechim.

Bino o'lchami 6x4

Mustahkamkonstruktiv sxemada yaratilgan.

POS.

Qurilishni tashkil etish loyihasi yakunlandi.

Qurilish rejasini ishlab chiqdi.

Qurilishda xavfsizlik choralari ko'rsatilgan.

Asosiy konstruksiyalarni ishlab chiqarish usullari ishlab chiqilgan.

Montaj ishlari.

Qurilish muddati - 4 oy.

### **3.3. Smeta qismi:**

Ishlar qiymatini hisoblash Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 11 iyundagi "Investitsiya loyihalarini amalga oshirishda shartnomaviy joriy narxlarga o'tish to'g'risida" gi 261-sonli qarori, Vazirlar Mahkamasining 2004 yil 12 maydagi "O'zbekiston Respublikasi hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirish kiritish to'g'risida" gi 226-sonli qarori va SHNQ 4..01.16-09 ga muvofiq shartnoma joriy narxlarida qurilish qiymatini aniqlash qoidalariga muvofiq resurs usulida amalga oshirildi.

Obyektning qiymati joriy narxlarda "O'zbekiston Respublikasi qurilish ishlab chiqarishida foydalaniladigan moddiy-texnik resurslar uchun joriy narxlar 4-chorak 2022 yil katalogi" dan foydalangan holda resurs usulida hisob-kitob hujjatlari asosida aniqlanadi. Ishlab chiqaruvchi zavodlarning ulgurji-sotish narxi, birjalardagi narxlar va buyurtmachi tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlarga ko'ra (Samarqand viloyat Pstdarg'om tumani Irrigatsiya bo'limi boshlig'i tomonidan tasdiqlangan narxlarni kelishish bayonnomasi).

Mehnat xarajatlari (1 kishi/soat uchun) statistika boshqarmasi ma'lumotlariga ko'ra, ijtimoiy sug'urta uchun ajratmalarni hisobga olgan holda 18354,81 so'm qabul qilindi.

## **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

### **4.1. Texnologik bo'lim.**

Umumiy ma'lumot.

Loyiha Pstdarg'om tumani hokimining 04.09.2022 yildagi VI-60-67-7-101-K / 22-sonli qarori asosida ishlab chiqilgan. QMQ 2.06.08-97 ga muvofiq,

KMK 2.06.11-04 va dizayn uchun GOSTlar.

Yengil nasos stansiyasi  $V = 240$  ga maydondagi erlarni sug'orish uchun O'zbekiston-1 beton kanalini oziqlantirish uchun mo'ljallangan.

Nasos stansiyasi inshootlarini yig'ish assimilyatsiya trubkasi, nasos stantsiyasining kanopi va bosimli quvur liniyasidan iborat.

Ishonchlilik toifasi - III, taxminiy seysmiklik 8 ball.

Nasos stantsiyasining oqim tezligi  $-1000 \text{ m}^3 / \text{soat}$ . Geometrik ko'tarish balandligi  $-30\text{m}$ .

Avankamera - kollektor Do'rmonsoy. Shlangi quvurlar soni - 1 dona.

Nasos stansiyasi quvvati  $N=160 \text{ kVt}$ ,  $U=380 \text{ V}$ ,  $n=960$  ayl/daq bo'lgan 4A355S6 elektr motorli D1600-90-0 Dr.k.540mm nasos bilan jihozlangan.

Nasos suvni umumiy uzunligi  $1,163 \text{ km}$  bo'lgan  $D = 450 \text{ mm}$  bosimli quvur liniyasining bir liniyasiga quyadi.

Qurilish yechimlari.

O'lchamlari  $4 \times 6 \text{ m}$  bo'lgan nasos stantsiyasining kanopi. Balandligi  $-3,70 \text{ m}$ . Kanopi qattiq konstruktiv sxemada amalga oshiriladi.

Quvurlardan kanop ustunlari  $f 219 \text{ mm}$ . 18-sonli I-nurdan tirgak.

Raflar uchun asoslar monolitik betondir.

Bir-biriga yopishgan - burchakdan metall ferma  $40 \times 5$  va arm-ry 22 AII.

Tom yopish - metall qutidagi metall gofrokartondan.

Zaminlar - shag'al-qum tayyorlash bo'yicha beton.

Gidromexanik qism quyidagilarni ta'minlaydi:

- D1600-90-0 Dr.k.540mm nasosni elektr dvigatel quvvatiga o'rnatish

$N=160 \text{ kVt}$ ,  $U=380 \text{ V}$ ,  $n=960 \text{ rpm}$ .  $Q=1000 \text{ m}^3/\text{soat}$ . Boshi -  $40 \text{ m}$ .

- VVN-1.5 vakuum nasosini o'rnatish.

-uzunligi  $1,163 \text{ km}$  bo'lgan  $D=450\text{mm}$  bosimli quvur liniyasini quvur armaturalari bilan qurish.

PK0 + 00 dan PK1 + 50 gacha bo'lgan dastlabki qism  $f425 \times 6 \text{ mm}$  po'lat quvurlardan tayyorlangan quvur liniyasidir. Uzunligi  $0,15 \text{ km}$ . PK1 + 50 dan PK 6 + 00 gacha - uzunligi  $0,450 \text{ km}$  bo'lgan  $f450 \times 21,5 \text{ mm}$  polietilen quvurlardan tayyorlangan quvur liniyasi.

PK6 + 00 dan PK 11 + 63 da bosimli havzaga - uzunligi  $0,563 \text{ km}$  bo'lgan  $f450 \times 17,2 \text{ mm}$  polietilen quvurlardan yasalgan quvur liniyasi.

## **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

## **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspertizaning izohlari va takliflariga ko'ra, smeta hujjatlariga quyidagi tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- mash/soat resurs ko'rsatkichlari, odamlar/soat mehnat xarajatlari aniqlandi;

- qurilish materiallari va buyumlarga bo'lgan ehtiyoj aniqlandi;

- materiallarni tashish xarajatlari aniqlandi;

- pudratchining boshqa xarajatlari aniqlandi;

- buyurtmachi tomonidan e'lon qilingan joriy shartnoma narxlarida obyektning hisob-kitob qiymati QQS bilan  $1037283,433$  ming so'm va Buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz, ish va xarajatlar hajmini aniqlashtirish hisobiga  $41879,737$  ming so'mga QQS bilan kamaytirildi. Ekspertizaning izohlari va takliflari bo'yicha tuzatilgandan so'ng, obyektning hisob-kitob qiymati joriy shartnoma narxlarida QQS bilan  $995403,696$  ming so'm va Buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz tashkil etdi.

Normativ mehnat hajmi - 2836,81 kishi-soat.

Bundan tashqari:

Buyurtmachining boshqa harajatlari - 55255,755 ming so'm (ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmadi).

6.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil 22 yanvardagi 15-sonli qaroriga muvofiq "Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan ma'lumotlarning ishonchliligi bo'yicha) va loyiha muallifiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi".

6.3. Loyiha va ish hajmlarining ekspert ko'rigiga taqdim etilgan ishchi loyihaning smeta hujjatlarida muvofiqligi uchun loyiha tashkiloti javobgarligi qayd etiladi.

6.4. Loyiha mualliflari ekspertiza tavsiyasiga binoan Buyurtmachiga tuzatilgan chizmalar va smeta hujjatlarini topshirishlari kerak.

6.5. Ekspert xulosasining amal qilish muddati 2 yil.

## **7. Xulosalar.**

7.1. "Samarqand viloyati Pastdarg'om tumani "Beshbola" mahallasi "Beshbola" qishlog'i hududida ichki xo'jalik suv nasos stansiyasi (agregati) qurilishi." ishchi loyihasi ekspertiza ko'rigi natijalari va 6.2., 6.3., va 6.4. bandlardagi izohlarni hisobga olgan holda ushbu smeta hujjatlarini ko'rib chiqish va tasdiqlash uchun tavsiya etiladi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.03 yildagi 261-sonli qaroriga, 4.01.16-09 SHNQga muvofiq qurilish qiymati tavsiyaviy tusga ega bo'lib Buyurtmachining bajarilgan ishlar uchun pudratchi bilan o'zaro hisob-kitob qilish uchun asos bo'la olmaydi. Buyurtmachi pudratchi bilan birgalikda nazorat o'lchovi natijalarini hisobga olgan holda belgilangan tartibda asoslovchi hujjatlarga asosan haqiqiy xarajatlar bo'yicha aniqlanadi. Shartnoma narxi va bajarilgan ishlar hajmi bo'yicha yakuniy qaror buyurtmachi va pudratchi tomonidan birgalikda qabul qilinadi.

**Bosh mutaxassis:** Abdiyev Mirzabek Saitmurodovich



## XALQ DEPUTATLARI PASTDARG'OM TUMAN KENGASHINING QARORI

140502, Samarqand viloyati, Pastdargom tumani, Juma shaxri Xonab Olimxon kўchasi, 15-uy, tel: (8-999) 2319823

2022 - yil 9 - aprel

VI-60-67-7-101-K/22

Pastdarg'om tuman hokimligi

### **Pastdarg'om tumani "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" mablag'larini jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarga yo'naltirish to'g'risida**

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 13-apreldagi "Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-5072-sonli hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021-yil 22-apreldagi "Mahalliy byudjet mablag'lari sarflanishida jamoatchilik ishtirokini ta'minlash to'g'risida"gi KQ-213-IV-sonli qarorlarining ijrosi ta'minlash maqsadida, "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 24-moddasiga muvofiq xalq deputatlari tuman Kengashining oltinchi chaqiriq oltmishinchi sessiyasi

### **QAROR QILADI:**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining open budget.uz rasmiy veb sayti orqali mavjud muammolarni bartaraf etish maqsadida tumanda istiqomat qiluvchilar tomonidan 180 ta takliflar bildirilganligi ushbu takliflardan 156 tasi fuqarolar jamoatchilik fikri asosida tadbirlarni shakllantirish, baholash, tanlab olish hamda ijrosini monitoring qilish bo'yicha ishchi komissiya tomonidan ovoz berish jarayoniga o'tkazilganligi to'g'risidagi tuman hokimligi Moliya bo'limi mudiri A.Karimovning hisoboti ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Pastdarg'om tumani "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" mablag'lari hisobidan 1-ilovaga jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish uchun yunaltirilsin.

3. "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi"da shakllangan mablag'lar qonunchilikda belgilangan tartibda faqat jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo'naltirilsin va ushbu mablag'larning boshqa maqsadlarga ishlatilishi ta'qiqlansin.

4. Tuman hokimligi moliya bo'limi mudiri (A.Karimov)ga jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarga yo'naltirilgan mablag'ni to'g'ri va maqsadli ishlatilishini nazorat qilish, tuman G'aznachilik bo'linmasi (Z.G'aybullaev)ga belgilangan tartibda to'lovlarni amalga oshirilishini ta'minlash topshirilsin.

5. "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi"si mablag'lari hisobidan ajratilgan mablag'lar amalga oshirilishi belgilangan tadbirlar uchun smeta xujjatlari tayyorlangandan so'ng iqtisod qilingan mablag'lar belgilangan tartibda jamg'armaga qaytarilsin.

6. Tuman hokimligi axborot xizmati (O.Soniboev), "Pastdarg'om haqiqati" gazetasi (B.Shukurov) jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarga yo'naltirilgan mablag'larni ishlatilishi va bajarilgan ishlarni keng jamoatchilikka muntazam ravishda yetkazib borish tavsiya etilsin.

7. Ushbu qaror ijrosini nazorat qilish xalq deputatlari tuman Kengashining Mahalliy byudjetni shakllantirish va ijro etish, iqtisodiy islohatlarni amalga oshirish va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi raisi N.Aliev va tuman hokimining birinchi o'rinbosari U.Nazarov zimmasiga yuklatilsin.

Tuman hokimi



Sh.Xudayberdiyev

Xalq deputatlar Pastdarg'om tuman Kengashining  
2022 yil 9 apreldagi  
VI-60-67-7-101-K/22-son qaroriga  
1-ilova

Pastdarg'om tuman "Fuqarolar tashabbusi jamg'arma"si mablag'lari hisobidan 2022-yil 1-bosqichda jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlaroi moliyalashtirish bo'yicha

**MANZILLI RO'YXATI**

TR	G'olib takliflar ma'lumotlari			Amalg'a sahirlashning aniqlangan qiyamati (ming so'm)	Haqiqatda ajratilgan mablag'	Moliyalashtirish manbaei	Buyurtmachi tashkilot nemi
	Taklif ID raqami	Tadbirning qisqacha mazmuni	To'plangan avozlar soni				
		<b>Jami</b>	x	9 779 000	9 804 000	x	x
1	0960400139	Kozok rayman maxallasi Yashinobod-2 ko'chasining 270 metrini ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1704	200 000	200 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
2	0960400068	Tumandagi "Besh nayman" mahallasi Nurfayz ko'chasini ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1595	900 000	900 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
3	0960400069	Tumandagi "Qoramang'it" mahallasi Ravon ko'chasini ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1517	600 000	600 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
4	0960400070	Tumandagi "Agron" mahallasiga kirish yulini (asosiy yulni) ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1514	900 000	900 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi

5	0960400119	Pastdarg'om tumani Ma'rifat va Amir Temur kuchalariga pyodalar yulagi hamda lotok o'rnatish uchun	1448	450 000	450 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
6	0960400067	Tumandagi "Yukori bog'onali" mahallasi hamda "Besh nayman" mahallalarini bog'lovchi asosiy (Nurfayz) ko'chasini ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1376	900 000	900 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
7	0960400073	Tumandagi Qo'yidarg'om mahallasi hamda Lolazor mahallalaridan o'tuvchi asosiy yulni ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1234	900 000	900 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
8	0960400074	Tumandagi Lolazor mahallasi hamda Yuqori bog'onali mahallalarini bog'lovchi Ibn Sino ko'chasini ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1223	550 000	550 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
9	0960400071	Tumandagi Marokanda mahallasini asosiy yulini ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1217	999 000	999 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
10	0960400072	Tumandagi Zangiboyi, Baxshiboyi mahallalarini Qo'yidarg'om mahallasi bilan bog'lovchi asosiy yo'lini ta'mirlash (asfalt yotqizish)	1206	700 000	700 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi
	0960400090	Tumandagi "Besh bola" mahallasi "Besh bola" qishlog'ida ichki xujalik suv nasosi (agregati) qurish. Qishloq xujalik yerlarini hamda fuqarolarni tomorqa yerlarini sug'orish uchun	1203	1 080 000	1 080 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Irrigatsiya bo'limi
12	0960400099	Tumandagi "Besh bola" mahallasida ichki xujalik suv nasosi (agregati) qurish. Qishloq xo'jalik yerlarini hamda fuqarolarni tomorqa yerlarini sug'orish uchun	1202	500 000	525 000	Fuqaro tashabbusi jamg'armasi	Tuman Irrigatsiya bo'limi